

Ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга улашиб олинган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарау. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини қўздиритиш ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан таъмин этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" қилиб қилинган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50% дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. "Таъминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларини чиқариб юборишни ундирмагунча қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган қилиб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 17 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агар икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Тошкент вилояти Қўйичирчиқ таманлараро иқтисодий судига кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс-мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиий ҳолатлари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жаза ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўра муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимларида бўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

Тошкент «Сувтаъминоти» МЧЖ Чиноз тумани бўлими

Чиноз тумани Сарбозор МФЙ сарбозор кўчаси

Тел: +99870 59-38-172

Ипотека Банк Чиноз филиали

МФО: 00478 СТИР: 201357953

Х/Р 2263 8000 4001 0 8444

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

« Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси »

Манзил: Хўжа МФЙ Беруний кўчаси

Тел: 20-700-34-86, факс

газ/х-р 23402000300100001010

Банк: М.Б.Том.и.Б.Б.ХКМ

Банк коди: 00014 СТИР: 200454204

ОКОНХ: 91511

Шахсий рақам 10002286027256701301054001

Шахсий х-р

Банк М.Б.Том.и.Б.Б.ХКМ

Банк коди: 00014 СТИР: 201122919

Чиноз тумани Газначилик бўлими

(газначилик бўлими номи)

Рахбар

М.У.

(Ф.И.Ш. имзо)

2022 й.

Юридик ҳалла

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос

« » 2022 й.